

**«ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ» МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.12019.Т.10.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**«ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ» МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

БАБАЕВ АЗИЗ ГАЛИБОВИЧ

**ЭЛЕКТРОДИСПЕРГИРОВЛАШ УСУЛИ БИЛАН СУВГА ОЗОН
БИЛАН ИШЛОВ БЕРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

05.05.07 – Қишлоқ хўжалигида электр технологиялар ва электр ускуналар

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2022

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**
**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on technical
sciences**

Бабаев Азиз Галибович

Электродиспергировлаш усули билан сувга озон билан ишлов бериш
технологиясини ишлаб чиқиш..... 3

Бабаев Азиз Галибович

Разработка технологии обработки воды озонном методом
электродиспергирования..... 21

Babaev Aziz Galibovich

Development of water treatment technology with ozone by
electrodispersion method..... 38

E'lon qilingan ishlar ro'yxati

Список опубликованных работ
List of published works..... 41

**«ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ» МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

DSc.03/30.12.12019.Т.10.01РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

**«ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ» МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

БАБАЕВ АЗИЗ ГАЛИБОВИЧ

**ЭЛЕКТРОДИСПЕРГИРОВЛАШ УСУЛИ БИЛАН СУВГА ОЗОН
БИЛАН ИШЛОВ БЕРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

05.05.07 – Қишлоқ хўжалигида электр технологиялар ва электр ускуналар

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг В2020.4.PhD/Т1976 рақам рўйхатга олинган.

Диссертация “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.tiiame.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Музафаров Шавкат Мансурович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Мухаммадиев Ашираф
техника фанлари доктори, профессор

Байзаков Тахир Мирзанович
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Ислом Каримов номидаги Тошкент Давлат техника университети

Диссертация химояси «Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти» Миллий тадқиқот университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Т.10.01 рақами Илмий кенгашнинг 2022 йил _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Мнзил: 100000, Тошкент, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (+99871)237-09-45; факс: (+99871)237-38-79, e-mail: admin@tiiame.uz).

Диссертация билан «Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти» Миллий тадқиқот университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ - рақам билан рўйхатга олинган) (100000, Тошкент, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (+99871)237-09-45; факс: (+99871)237-38-79, e-mail: admin@tiiame.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Б.С. Мирзаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

У.Т. Кузиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.н., доцент

Х.М. Муратов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д. профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ичимлик сувига ишлов бериб, уни сифатини яхшилаш учун энергия – ресурс тежамкор технология ва техника воситаларини қўллаш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. Дунё миқёсида чучук сув миқдори умумий сув миқдорининг бор – йўғи 2,5 фоизини ташкил этишини ҳисобга олсак, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш учун мавжуд манбалардан олинаётган ичимлик сувларни зарарсизлантириш ва зарарсизлантириш ишларини сифатли амалга оширадиган технологиялар ва қурилмаларни амалиётга жорий этишни тақозо этади. Шу жихатдан ичимлик сувини зарарсизлантириш ва сифатини яхшилашда бошқа усулларга нисбатан самарали бўлган электрдиспергировлаш усулида сувга озон билан ишлов бериш технологиясидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда истеъмол қилишдан олдин ичимлик сувини сифатини оширишнинг юқори самарали технологияси ва техника воситаларининг янги илмий – техникавий ечимларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий – тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, ер ости ва оқова сувларни зарарсизлантириш учун кимёвий усулда ишлов беришга нисбатан экологик соф ва зарарсиз ҳисобланган электротехнологик усуллар ва уларни амалга оширадиган қурилмаларни яратишга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу сабабли ичимлик сувини зарарсизлантиришда электрдиспергировлаш усулида озон билан ишлов бериш технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда унинг технологик параметрлари ва иш режимларини асослаш долзарб ҳисобланади.

Республикамизда аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш, ер ости ва оқова сув манбаларидан олинаётган сувга ишлов бериб, уни зарарсизлантириш учун қўлланилаётган кимёвий усулда ва сорбентлар билан ишлов бериш жараёни сарф – харажатларнинг катталиги, иш унумининг пастлиги ва ишлов берилгандан сўнг сувни яна тиндириш учун кўп вақт талаб қилиниши ва баъзи ҳолларда ишлов берилган сувни сифат кўрсаткичи талаб даражасига етмаслиги сабабли, тоза ичимлик суви ишлаб чиқариш соҳасини замонавий, энергия тежамкор технологиялар билан таъминлашни босқичма – босқич амалга ошириш бўйича кенг қамровли чора – тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш, янги сув тармоқларини қуриш, замонавий тежамкор ва самарали технологияларни изчил жорий этиш»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан, ичимлик суви таъминоти корхоналарини модернизация қилиш ва техник жихатдан қайта жиҳозлаш, ичимлик сувининг сифатини оширишни таъминлай оладиган

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида" ги Фармони.

замон талабларига мос ресурстежамкор технологиялар ва ишланмаларни жорий этиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-№4947-сонли Фармонида ва «Замонавий энергия самарадор ва энергия тежайдиган технологияларни янада жорий этиш чора – тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3238-сонли қарорида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлиги» устувор йўналишига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Илмий тадқиқотлар бир қатор хорижий мамлакатларда озон электросинтези қурилмалари, юқори кучланишли электр таъминоти ва диэлектрик тўсик материални танлашга қаратилган ва I. Suarasan, L. Ghizdavu, I. Ghizdavu, A. K. Shrivastava, L. Ragni, A. Berardinelli, V. Nemanič, M. Talaat, U.W. Gunten, H. Manogue, R.L. Pigford, P. Dowidieit, R. Mertens, LiA.-P., F. Muller, A. Birner, K. Nielsch, U. Gosele, B. Eliasson, M. Hirth, U. Kogelschatz, A. Fridman, Ю.В. Филиппов, Г.В. Егоровалар озоннинг сувда эрувчанлигини ўрганган. Республикада бу муаммо деярли ҳал этилмаган. Жаҳон амалиётида озон генераторларида қўлланиладиган тўсикли разряд ва турли электрод тизимларининг электр майдонларини ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқилган, улар С.М. Старковскийнинг ишларида кўриб чиқилган. Ю.Н. Исаев ва В.А. Колчанов импульсли кучланиш таъсирида озонаторнинг электр эквивалент схемасининг параметрларини аниқлаш алгоритмини ишлаб чиқишкан.

Республикада озон электросинтез жараёнининг энергия самарадорлигини ошириш ва сувни электродисперсия усулида озон билан зарарсизлантиришнинг технологияси ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти илмий – тадқиқот ишлари режасининг КҲА – 9 – 111 – 2015 «Озон электросинтез жараёни самарадорлигини ошириш» (2015-2017 йй.) амалий лойиҳаси ва 3.16-сонли – «Қишлоқ ва сув хўжалигида электр технологик жараёнларни модернизациялаш» (2015 – 2020 йй.) топшириғи доирасида олиб борилган.

Тадқиқотнинг мақсади – озон электросинтез жараёнининг энергия самарадорлигини ошириш усулини ишлаб чиқиш ва ичимлик сувини электродисперсия усули билан узлуксиз зарарсизлантириш усулини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

газразрядли паст ҳароратли плазма ёрдамида озон электросинтез жараёнининг энергия самарадорлигини ошириш усулини ишлаб чиқиш;

даврий юқори кучланишли импульслар ёрдамида озон электросинтез жараёнининг энергия самарадорлигини ошириш имкониятини назарий ва экспериментал асослаш;

даврий юқори кучланишли импульслар билан ишлайдиган тўсиқли разряднинг хусусиятларини экспериментал тарзда ўрганиш;

озон электросинтези жараёнлари учун даврий юқори кучланишли импульсларни ишлаб чиқарувчи қурилмани ишлаб чиқиш;

ичимлик сувини дисперсия усули билан узлуксиз қайта ишлашнинг технологик схемасини ишлаб чиқиш ва ишлов бериш параметрларини аниқлаш;

аэрозол сепаратори «тожли игналари билан потенциал текислик – ерланган текислик» электрод тизимининг параметрларини аниқлаш;

ичимлик сувини озон билан зарарсизлантиришнинг янги усулининг лаборатория ва ишлаб чиқариш синовларини ўтказиш;

юқори даврий, униполяр ва биполяр юқори кучланишли импульсли электр таъминот схемасини ишлаб чиқиш;

ишлаб чиқилган технологиянинг иктисодий самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида даврий кучланиш импульслари билан таъминлаётганда, тўсиқли разряддаги озон электросинтез жараёни ва ичимлик сувини озон билан зарарсизлантиришнинг узлуксиз технологик жараёни олинган.

Тадқиқотнинг предмети кучланишнинг даврий импульслари билан таъминланганда озон генераторининг технологик разряд оралиғида тўсиқли разряд ривожланишининг қонуниятлари; кучланиш импульси таъсири остида ва импульслар орасидаги паузадаги разряд оралиғидаги ўткинчи жараёнлар; «тожли игналари билан потенциал текислик – ерланган текислик» электрод тизими параметрлари; алоқа камерасида ичимлик сувини озон билан пуркаш ва ишлов бериш жараёнлари; озон билан ичимлик сувига ишлов бериш технологияси электр таъминоти тизими ва кучланишни ростлаш мосламаси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларда тўсиқли разряднинг кучли электр майдонларидаги разряд жараёнларини назарий таҳлил қилишнинг замонавий усуллари қўлланилган ва озон назарияси усуллари, материалларнинг тузилиши, технологик разряд оралиғидаги ўтиш жараёнлари оператор усули билан ўрганилган, кучланишнинг даврий импульслар машина генераторининг ҳисоб – китоблари электротехника ва электр машиналари усуллари билан амалга оширилган, электрод тизимининг оптимал параметрлари битта изоляцияланган тож игнаси токи буйича аниқланган, қиёсий тадқиқотлар, ишлаб чиқилган моделларнинг ишлаб чиқариш синовлари натижалари ўтказилган, статистик ва аналитик ҳисоблар ёрдамида электростатик ичимлик сувига озон билан ишлов бериш

қурилмасидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги йиллик эксплуатацион харажатларни таққослаб аниқланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

газразрядли паст ҳароратли плазма ёрдамида озоннинг электросинтези жараёнининг энергия хусусиятларини ошириш усули ишлаб чиқилган;

даврий юқори кучланишли импульслардан фойдаланилганда диэлектрик тўсиқ қизиқ кетмаслиги ва ҳавони ҳарорати озонни синтез жараёнига таъсир қилмаслиги аниқланган;

кучайтирувчи трансформатор томонидан истеъмол қилинадиган қувват 10 Vt бўлса, тебраниш палласида тахминан 80 Vt қувватга айланиши натижасида озонни озон генераторида аввал ултрабинафша нурланиш зонасида, кейин паст ҳароратли плазма зонасида синтез қилиш аниқланган;

ичимлик сувини зарарсизлантиришнинг электродисперсия усулида озон билан узлуксиз ишлов бериш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

ишлаб чиқилган озон электросинтез усули, ичимлик сувига ишлов беришнинг технологик жараёнидан ҳавонинг олдиндан совитиш ва намлигини қуритиш, озон генераторининг электродлари ва диэлектрик тўсиқларини совутиш қурилмасини олиб ташлашга ва жараённинг энергия кўрсаткичларини сезиларли даражада ошириш имкони яратилган;

ичимлик сувига озон билан узлуксиз ишлов бериш технологияси параметрлари аниқланиб, сувли аэрозолни заряд қилишнинг таклиф қилинган биполяр усули ичимлик сувининг зарарсизлантириш даражасини оширилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, газлардаги электр разрядлар ва назарий электротехника ҳамда экспериментал маълумотларни қайта ишлашнинг маълум бўлган тасдиқланган усулларини, ва шунингдек назарий ва экспериментал изланишлар натижаларининг солиштирма таҳлилларини тегишли бўлимларини қўллаган ҳолда, назарий ва экспериментал тадқиқотларнинг ўзаро адекватлиги, математик моделларда замонавий изланиш усулларини қўлланилиши билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, озон электросинтез жараёни назариясининг ривожлантирилганлиги ҳамда озон электросинтез жараёнининг паст ҳароратли газразряд плазмасидан фойдаланган ҳолда янги усули ва ичимлик сувини дисперсия усули билан зарарсизлантириш технологияси ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти озон электросинтези технологик жараёнининг сезиларли даражада соддалашиши ва жараённинг энергия кўрсаткичларининг ошиши билан белгиланади. Керакли маҳсулдорликни таъминлаш учун сувни зарарсизлантириш технологиясини ишлаб чиқишда, ишлов бериш вақтини ва кўп марта

такрорланиш эҳтимолини сезиларли даражада камайтиради. Озон генератори, электростатик пуркаткичлари ва озон сепараторининг электр таъминоти учун кучланишнинг даврий импульсларининг машина генераторига асосланган схема ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Электродиспергировлаш усули билан сувга озон билан ишлов бериш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган натижалар асосида:

сувга озон билан электродисперсия усулида ишлов бериш технологияси Тошкент вилоятининг Қибрай туманидаги «Тошкент сув таминоти» МЧЖда жорий этилган («Ўзсувтаъминот» АЖ 2021 йил 28 июлдаги 6/9 – 2035 – сонли маълумотномаси). Натижада ичимлик сувини зарарсизлантиришда ишлов бериш вақти ва такрорланишларини сезиларли даражада камайтириш имконияти яратилган;

электродисперсия усулида сувга озон билан ишлов бериш иншооти Тошкент вилоятининг Қибрай туманидаги «Тошкент сув таминоти» МЧЖда жорий этилган («Ўзсувтаъминот» АЖ 2021 йил 28 июлдаги 6/9 – 2035 – сонли маълумотнома). Натижада ичимлик сувини зарарсизлантиришда кетадиган энергия ва материаллар сарфини камайтириш, тозаланган сувнинг санитария – бактериологик ҳолатини яхшилаш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 11 та республика илмий – амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўрта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 108 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ишнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқотнинг объект ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар тараққиёти устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, уларнинг амалиётга жорий этилиши баён қилинган, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг «**Озон электросинтези ва ичимлик сувини зарарсизлантириш масаласининг ҳолати таҳлили, ҳамда диссертация ишининг вазифалари**» деб номланган биринчи бобида диссертация

мавзусида чоп этилган адабиётлар ва МДХ мамлакатлари ҳамда чет эл олимлари томонидан олиб борилган тадқиқот ишлари натижалари таҳлил қилинган. Озон технологиясини қўллаш бўйича дастлабки тадқиқотлар натижалари, ичимлик сувини зарарсизлантиришнинг замонавий технологиялари, озоннинг суяқ моддаларга таъсири, озон синтези, сувни хлор билан зарарсизлантириш натижалари ва органик моддалар билан реакциялари ҳақидаги материаллар, озонаторлар конструкциялари, озон ишлаб чиқариш усуллари ва сув зарарсизлантиришда озонаторларнинг энергия самарадорлигини ошириш имкониятлари бўйича маълумотлари келтирилган.

Диссертациянинг «**Даврий кучланиш импульслари ёрдамида озон электросинтез жараёнининг самарадорлигини ошириш усулининг назарий асосланиши**» деб номланган иккинчи бобида озоннинг электросинтезига таъсир этувчи омиллар ва уларнинг ўзаро боғлиқлик назарий асосланди.

Мавжуд бўлган электросинтез технологик жараёнларининг энергия самарадорлиги паст (1 – 2%). Энергиянинг катта қисми иссиқликка айланади, бу электродларнинг ҳаддан ташқари қизиб кетишидандур ва уларни оқаетган сув билан совутиш заруриятига олиб келади.

Озон электросинтези учун мавжуд қурилмаларда 500 Gs частотали синусоидал кучланишлар ишлатилади. Озон генератори синусоидал ЭЮК манбаидан қувват олганда, занжирдаги ток i мураккаб гармоник таркибга эга бўлади. Разряд ҳосил бўлган пайитда, токнинг i оний қийматининг ўртача эгри чизиғи узилишларга эга бўлади.



1 -расм. Озон генератори орқали оний кучланиш ва оқимнинг ўртача эгри чизиқлари

Таъминот кучланишидаги u даврда разряд икки марта содир бўлади ва тўхтайтиди. Агар озонаторда $U_{a.c.}$ иш кучланиши маълум бир минимал $U_{кр.}$ кучланишдан ошса, разряд мавжуд бўлиши мумкин. Бундай ҳолда, $U_{a.c.}$ разряд оралиғининг тўлиқ электр тешилишининг кучланишидан камроқ танланади. Синусоидал кучланиш билан ишлаганда диэлектрик тўсиғи қизийди, бу эса озон ҳосил бўлишининг пасайишига олиб келади. Шунинг

учун озон генераторлари тўсиқ билан қопланган электродни оқаетган сув билан совутишни таъминлайди.

Синусоидал токларнинг маълум назарияси ёрдамида тўсиқли разряд жараёнига мос келадиган параметрларни алмаштириш билан синусоидал кучланиш билан таъминланганида озон электросинтез жараёни таҳлил қилинди. Озон генераторининг (ОГ) таъминот занжирининг умумий қуввати қуйидагига тенг:

$$P_{\text{умум}} = \left(\frac{1}{T} \int_0^T u^2 dt \right)^{0.5} \times \left(\frac{1}{T} \int_0^T i^2 dt \right)^{0.5} \quad (1)$$

Тўсиқни разряд вақтидаги занжирнинг қуввати

$$P_{\text{раз}} = \left(\frac{1}{T} \int_{t_1}^{t_2} u^2 dt \right)^{0.5} \times \left(\frac{1}{T} \int_{t_1}^{t_2} i^2 dt \right)^{0.5} \quad (2)$$

(1) ва (2) тенгламаларда

$$u = U_{a.c} \sin(\omega_c t - 0.5), \quad (3)$$

$$i = I_{a.c} \sin \omega_c t, \quad (4)$$

бунда ω_c —синусоидал кучланишнинг бурчак частотаси, rad/s;

i, u – ток ва кучланишнинг оний қийматлари, А, V;

$U_{a.c}$ – синусоидал кучланиш амплитудаси, V;

$I_{a.c}$ – разряд токининг амплитудаси, А;

T – синусоидал кучланишнинг даври, s;

t_1 – разряднинг бошланиш вақти, s;

t_2 – разрядни тугаш вақти, s.

Қувват йўқотилиши қуйидагига тенг


$$P_{\text{йўк}} = P_{\text{умум}} - P_{\text{йўк}} \quad (5)$$

1–5 формулалар таҳлили шуни кўрсатадики, катта қувват йўқотилиши ОГда разряд йўқлиги пайитига тўғри келар экан. Шундай қилиб, ишчи гипотеза келиб чиқади: синусоидал кучланишнинг штрихланган майдонига ўхшаш шаклга эга бўлган даврий кучланиш импульслари ёрдамида озон электросинтез жараёнининг самарадорлигини ошириш мумкин, яъни катта ўлчовсиз миқдор бўлган тўртбурчаклар (1-расм). Бундай ҳолда, таъминловчи кучланишнинг амплитудасини $U_{u.a}$, синусоидал кучланишининг $U_{\text{тему}}$ тешилиш чегарасидан юқорига кўтариш мумкин, бу эса ўта кучланиш коэффициенти билан тавсифланади.

$$K = U_{u.a} / U_{\text{тему.c}}. \quad (6)$$

Импульсли таъминотда ОГ сиғими синусоидал кучланиш амплитудасидан юқори бўлган кучланишнинг амплитудали қийматига зарядланади. 0 - t_1 вақт оралиғида (2 -расм) разряд қуввати қуйидаги боғлиқлик билан аниқланади.

$$P_{0-t_1} = I_{a.u} \cdot U_{a.u}. \quad (7)$$




2 -расм. Даврий кучланиш импульслари билан таъминланаётганда разряд оралиғидаги кучланишни ўзгариш жараёни

Импульслар орасидаги паузада (t_1 дан t_2 гача бўлган вақт), разряд қуввати ОГ сиғимида тўпланган заряд билан аниқланади. Заряд тебранувчи контурнинг элементлари бўлган ОГ йўқолиш қаршилигига, кўтарувчи трансформаторнинг иккиламчи ўрамининг $R_{ўрам}$ ва индуктивлигига L разрядланади. Бундан ташқари, $R/2L < (CL)^{0.5}$ контурда, йўқолиш қаршилиги $R_{йўқ}$ (тенгламининг ўнг томонидаги биринчи атама) даги йўқолиш тоқларидан ва контурдаги жараёнда $R_{ўрам} LC_{ОГ}$, кичик сўнишка эғалигини ҳисобга олсак:

$$P_{t_1-t_2} = \frac{U_{a.u.}^2}{R_{йўқ}} e^{-\frac{2t}{R_{йўқ}C_{ГО}}} + \frac{U_{a.u.}^2}{R_{ўрам}} e^{-\frac{tR_{ўрам}}{2L}} \left(\cos \omega_{к.к} t + \frac{R_{ўрам}}{2\omega_{к.к}} \sin \omega_{к.к} t \right), \quad (8)$$

бунда $\omega_{к.к}$ – тебранувчи контурнинг бурчак частотаси, rad/s.



3 -расм. Импульслар орасидаги паузада озон генератори разряд оралиғининг электр таъминот занжирини алмашиш схемаси


t_2 вақтидан бошлаб, разряд оралиғининг кучланиши критик $U_{ўр}$ остида пасаяди, разряд тўхтайтиди, ва сиғим $R_{ўрам}$ га разрядланади, бу эса йўқотиш қувватини ташкил қилади

$$P_{t_2-t_3} = \frac{U_{a.u}^2}{R_{\dot{y}pam}} e^{-\frac{tR_{\dot{y}pam}}{2L}} \left(\cos \omega_{к.к} t + \frac{R_{\dot{y}pam}}{2\omega_{к.к}} \sin \omega_{к.к} t \right). \quad (9)$$

(7, 9) тенглама таҳлиллари шуни кўрсатадики, даврий кучланиш импульслари энергиясининг асосий қисми озон электросинтези билан кечадиган разряд жараёнига сарфланади.


Диссертациянинг «**Даврий ва униполяр импульслар кучланишлар манбасини ишлаб чиқиш**» деб номланган учинчи бобда даврий кучланиш импульсларининг параметрлари ва импульсли кучланиш генераторини ишлаб чиқиш натижалари аниқланган.

Озон электросинтези учун мавжуд қурилмаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, разряд жараёнларининг беқарорлиги туфайли жараёнларни автоматик бошқариш амалга ошмайдиган вазифа бўлиб чиқади. Разряд жараёнлари барқарорлашганда, озон электросинтези жараёнларини разряд токининг қиймати бўйича автоматик бошқариш мумкин бўлади, 4 – расмда кўрсатилганидек блок – схема бўйича амалга ошириш мумкин.



G – даврий кучланиш импульслари генератори; T – купайтирувчи трансформатор; RO – технологик разряд оралиғи; D – разряд токининг назорат қилиш датчиги; RE – ростловчи элемент.

4 -расм. Бир қутбли юқори кучланишли импульслар генераторининг блок - схемаси



5 -расм. Даврий кучланиш импульсларининг машина генераторининг чиқишидаги кучланиш осциллограммаси

Тадқиқотда илгари Ш.М. Музафаров ва Б.Н. Еркинов томонидан ишлаб чиқилган даврий кучланиш импульсларининг машина генератори

ишлатилган. Тадқиқотда статор ва роторли ўрамлар параметрларига баъзи ўзгаришлар киритилди. Магнит оқимини ошириш учун кўзгалувчан ўрамнинг ўрамлар сони кўпайтирилди ва шунинг ҳисобига генератор қуввати 180 Vt дан 275 Vt-гача ошди. Генератор статорининг барча 36 кутбли ўрамлари кетма-кет уланадиган иккита секцияга бўлинган. Тадқиқотларда, барча пазлар ўрамлари кетма-кет уланган.



6 -расм. Даврий кучланиш импульс генераторининг статори



7 – расм. Кўзғатиш ўрамини таъминлайдиган чўтка механизмли генераторнинг ротори


Даврий кучланиш импульслари генератори сифатида ишлаб чиқарган ва таёрланган ротор ва статорда 18 жуфт аниқ кутбли машина генераторидан фойдаланилди (6-расм). Генераторнинг ротори (7-расм) бутун металлдан қилинган. Ротор пазлари сони статор пазлари сонига тенг. Роторнинг ҳар бир кутби диаметри 0,5 mm бўлган ПЭВ–2 симидан ясалган ўз ўрамларига эга.

Роторнинг кўзғатиш ўрами 50 ўрамдан иборат. Ротор кутбларининг барча ўрамлари кетма – кет уланади ва чўтка механизмнинг сирғалувчи ҳалқаларига чиқарилади, уларга техник хизмат кўрсатиш қулайлиги учун генератор бўшлиғидан чиқарилади.

Машина генераторининг моделини экспериментал тадқиқотлар электр машиналари учун умумий қабул қилинган синов усулларига мувофиқ ўтказилди.

Диссертациянинг «Ичимлик сувига озон билан узлуксиз ишлов бериш технологиясини ишлаб чиқиш» деб номланган тўртинчи бобида электродиспергерлаш усули билан сувга озон билан ишлов бериш экспериментал тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.

Озон билан ичимлик сувига ишлов бериш мавжуд технологияси қуйидаги элементларни ўз ичига олади (8-расм): ҳаво тозалаш филтри 1; озон генераторига ҳаво етказиб берадиган компрессор 2. Озон электросинтез жараёни ҳаво ҳароратига боғлиқ, шунинг учун ҳаво ОГ га 5 етказиб берилишидан олдин у музлатгичда совутилади 4. Ҳавони совутиш сув бўғининг конденсацияланишига олиб келишини ҳисобга олган ҳолда, уни намликдан қуритилади (4). Озон аралаш ҳаво ишлов бериладиган сув билан тўлдирилган алоқа камерасига 6 юборилади ва у ерда барботаж жараёни амалга оширилади. Озон генератори ЮКИ купайтирувчи трансформаторидан синусоидал кучланиш билан таъминланади. Синусоидал кучланишни ишлатганда, ОГ нинг диэлектрик тўсиқлари қизишини инобатка олган ҳолда, совутиш учун ОГ – га совутиш суви юборилади.




8-расм. Озон билан ичимлик сувига ишлов беришнинг мавжуд технологияси

Мавжуд технология даврий ҳаракатли бўлиб, ишлов берилганидан сўнг, алоқа камерасидаги сув чиқарилади, сўнгра ишлов бериладиган сувнинг янги қисми билан тўлдирилади.

2015 ва 2016 йилларда ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, даврий кучланиш импульслари 5 дан ошганда, тозаланган ҳаво ҳарорати озон электросинтез жараёнига деярли таъсир қилмайди ва диэлектрик тўсиқнинг қизиши кузатилмайди. Шунинг учун, сувга озон билан ишлов беришнинг мавжуд усулининг технологик схемасидан совутгич ва қуритгични олиб ташлаш мумкин (8-расм). Рўйхатда келтирилган элементлар ўрнига технологик схемага даврий кучланиш импульслари

генератори қўшилади. Бунга қўшимча равишда, диэлектрик тўсиқни совутишнинг ҳожати йўқ. Озоннинг юқори даражада чиқишини ҳисобга олсак, тадқиқотларда ҳал қилиш учун режалаштирилган вазифалар бажарилганлиги тўғрисида хулоса келиб чиқади.



ХФ – ҳаво филтри; К - компрессор; СН – сув насоси ДКИГ – даврий кучланиш импульслари генератори; ОГ – озон генератори; ТМ – тўғрилаш мосламаси; АК – алоқа камераси; САП – сув аэрозолининг пуркагичи; АС – аэрозол сепаратори.

9 – расм. Сувга озон билан узлуксиз ишлов бериш схемаси

Узлуксиз технологиясидан фойдаланиш илмий ва амалий қизиқиш уйғотади. Бунинг учун бир хил дисперсияга эга сувли аэрозолни олиш учун сувни электростатик пуркагичларни (9–расм) қўллаш таклиф қилинади. Сувни пуркаш ишлов беришнинг биринчи босқичи бўлган пуркагичга озонли ҳавони етказиб бериш орқали амалга оширилади. Озонли ҳаво билан аралаштирилган сувнинг аэрозол заррачалари алоқа камерасига (АК) юборилади, у ерда зарарсизлантиришнинг иккинчи босқичи амалга оширилади.

Озон зичлиги азот ва кислород зичлигидан юкорилигини ҳисобга олсак, табиий равишда озон АКнинг пастки қисмида жойлашган бўлади. Ортиқча газ АК қопқоғидаги юқори тешик орқали чиқиб кетади. Контакт камерасининг чиқиш жойига тожли аэрозол сепаратори ўрнатилган, аэрозол сепараторининг кўндаланг кесими 100x100 mm га тенг. Озон сепараторининг марказида тож игналари бўлган потенциал электрод ўрнатилган.

Ичимлик сувига узлуксиз ишлов бериш экспериментал қурилмасининг ишлаб чиқариш синовлари Қибрай тумани «Тошкент Сув Таминоти» МЧЖ ичимлик суви насос станциясида, очиқ манбали (Бўз сув канали) суви ва артезиан кудуғидан олинган сувларида ўтказилди.

Тадқиқотлар тўртта вариант бўйича ўтказилди:

- зарядланмаган аэрозолда
- манфий зарядланган аэрозолда;
- мусбат зарядланган аэрозолда;
- биполяр зарядланган аэрозолда.

Тадқиқотни ўтказишдан олдин ҳаво оқими тезлигини танлаш амалга оширилди. Сувнинг энг яхши чангланиши 0,027 m³/соат ҳаво оқими тезлигида ва 4 l/min сув оқими тезлигида содир бўлди. Пуркагичларга бир ярим даврий қиймати 2,5 kV бўлган амалдаги кучланишни берганда, кучланиш амплитудаси 12,5 kV–га тенг. Юқори кучланишларда, ерланган индукцияловчи ўқида учқунли тешилишлар кузатилди. Тадқиқотлар импульс кучланишининг шу қийматлари бўйича ўтказилди. Озон генераторга берилган кучланиш параметрлари ҳам ўзгармайди. Генератор чиқишидаги бу кучланишда озон концентрацияси ГОз – 150 озонметр билан ўлчанди ва 73 g/m³ га тенг.


Кучланишни кўпайтириш схемаси бўйича тўғриланган, аэрозол сепараторининг таъминот кучланиши қуйидагича: доимий кучланиш ташкил этувчиси 12,5 kV; амалдаги кучланиши–15 kV; амплитудаси 25 kV.

Пуркатилган сувнинг дисперсияси (10 – расм), веретено мойининг 3 қисми ва техник вазелиннинг бир қисми аралашмаси билан қопланган шиша ёрдамида аниқланди. Сув заррачалари ишлов берилган шиша юзасига тушганда, томчилар тарқалмайди, балки деярли мукамал ярим шарнинг шаклига эга бўлади.

Кучланиш бермасдан пуркашда, томчиларнинг дисперсияси микроскоп ёрдамида ўлчанганда, томчиларнинг тарқалиши 50-800 мкм оралиғида бўлди. Салбий кутбли кучланиш қўлланилганда, томчиларнинг тарқалиши 30-50 мкм оралиғида бўлди. Ижобий кутбли кучланиши қўлланилганда, томчиларнинг тарқалиши 40-60 мкм-ни ташкил қилди.

Тошкент вилояти санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоа саломатлиги хизмати ходимлари хулосасига кўра, очиқ сув омбори Бўз сув каналидан олинган сувга ишлов берилганидан сўнг, бактериологик кўрсаткичлар бўйича улар Сан КМИ 0318 талабларига ва артезиан кудуғидан олинган сувга ишлов берилганидан сўнг, бактериялогик

кўрсаткичлар Ўз. РДСТ–950/2011 талабларига жавоб беради (таҳлил натижаларининг нусхалари илова қилинган).



а - электростатик пуркатишдан кейин сув аэрозоли; б - ҳаво билан пуркатишдан кейин сув аэрозоли; в - ҳавосиз пуркалган сув аэрозоли (кўриш чизиғининг бир бўлиниши 15 μm тўғри келади).

10-расм. Пуркатишган сув аэрозолининг микрофотографиялари

Озон билан ичимлик сувини дезинфекция қилиш самарадорлигини ҳақиқий баҳосини иқтисодий кўрсаткичлар бўйича баҳолаш мумкин. Бунда зарарсизлантириш сифатининг яхшиланиши, хлор бирикмалари ва қолдиқ хлорнинг инсон организмига таъсирини камайиши ҳисобига олинади. Охирги кўрсаткичларни ушбу таъсирлар натижаларини статистик қайта ишлаш асосида аниқлаш мумкин. Бизнинг ҳолатда, озон сувини зарарсизлантириш жараёнининг самарадорлигини аниқлаш иқтисодий мезонларга кўра аниқланган.

Иқтисодий самарадорлик иш ҳақининг пасайиши (ходимларни қисқартириш) ва суяқ хлор сотиб олиш натижасида пайдо бўлиши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда, бир вақтнинг ўзида электр энергиясига, янги ускуналарга бўлган харажатлар ҳам ошиши кузатулади. Хусусан, иш ҳақи харажатларига турли ҳисоб – китоблар, мукофатлар, қайта ишлаш учун тўловлар ва бошқалар киради. Шунинг учун таққосланган вариантлар учун йиллик иш ҳақи насос станциясининг штат жадвалига мувофиқ ҳисоблаб чиқилган.

Электр энергия харажатлари. Қурилмани синовдан ўтказишда иккита пуркагичга озон, битта озон генераторидан таъминланган. Амалдаги кучланиш қиймати 11000 V бўлганда истеъмол қилинаётган ток 1,0 mA ташкил қилади. Бу ерда озон генераторининг истеъмол қуввати 11 Vt-ни ташкил этади.

Бир пуркагичнинг маҳсулдорлиги 2 l/min. бўлса, иккита пуркагичнинг маҳсулдорлиги 4 l/min. ёки 0,24 m^3/soat – ни ташкил қилади. Кучланиш трансформаторининг қуввати 500 Vt, шунинг учун битта генераторга 500 Vt қувват сарфлайдиган озонаторни улаш мумкин. Бу ҳолда, ўрнатиш қуввати 12 m^3/soat – гача оширилиши мумкин. Насос

станциясининг соатлик унумдорлиги $258 \text{ m}^3/\text{soat}$ бўлса, озонли сув зарарсизлантириш иншоотларининг қуввати қуйидагини ташкил қилади

$$P_{\text{O}_3} = (P_{\text{соат}}/P_{\text{кыр.}})P_{\text{тр}} = (258/12) \times 0,5 = 10,75 \text{ kVt},$$

бунда $P_{\text{соат}}$ насос станциясининг соатлик қуввати, $258 \text{ m}^3/\text{soat}$.

Иш ҳақи - $(464964-75600) = 389364$ минг сўм.

Бошқа харажатлар - $(4087156-32959 + 34580) = 4046136$ минг сўм.

Сувга дисперсия усули билан озон билан ишлов беришдан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги.

$$\mathcal{E}_{\text{O}_3} = P_{\text{хл}} - P_{\text{O}_3} = 10258953 - 10184709 = 74244 \text{ минг сўм}.$$

ХУЛОСА

1. Озон электросинтезининг мавжуд усуллари паст энергия самарадорлигига эга, ва улардан фойдаланиш ҳавони олдиндан тайёрлаш ва электродлар ҳамда диэлектрик тўсиқларни совутишни ўз ичига олади.

2. Амплитудали коэффициенти 5 дан юқори бўлган даврий юқори кучланишли импульслардан фойдаланганда, электр майдоннинг кучланиш амплитудаси ошади ва шунга мос равишда разряд оралиғидаги ажиралиб чиқаётган қувват ҳам, бир вақтнинг ўзида оралиғни совутиш ва ултрабинафшали нурланиш спекторида нурлаш билан кузатиладиган паст хароратли плазма ҳосил бўлиши билан унинг ўтказувчанлиги кескин кўпайиши назарий ва экспериментал исботланган.

3. Озон генераторини ва бошқа юқори кучланишли истеъмолчиларни даврий ва бир қутбли кучланиш импульслари билан таъминлаш учун қурилмалар, шу жумладан электрон ва машинали импульсли кучланиш генератори ишлаб чиқилди.

4. Ичимлик сувини зарарсизлантиришнинг мавжуд технологиялари унумдорлиги паст. Ичимлик сувини озон билан зарарсизлантириш технологиясини ишлаб чиқилди, тажриба ва тажриба – саноат намуналарини лаборатория ва ишлаб чиқариш синовлари ўтказилди. Тозаланган сувнинг санитария – бактериологик таҳлили ишлаб чиқилган усулнинг юқори самарадорлиги аниқланган.

5. Биполяр зарядланган сувли аэрозолдан фойдаланганда қарама-қарши зарядланган аэрозол заррачаларининг иккиламчи ўзаро таъсири юзага келиши аниқланди, бу эса туманга ўхшаш бирикма ҳосил бўлишига олиб келади, шу билан бирга ичимлик сувга ишлов бериш даражаси ошиши аниқланган.

6. Разряд каналида импульсли кучланиш берилганда озон генераторининг разрядланиш занжирининг қуввати 4600 Vt –ни ташкил қилди, синусоидал кучланиш эса 230 Vt бўлди, бу факт пухта назарий ва экспериментал исботни талаб қилади.

7. Ичимлик сувига озон билан ишлов бериш технологияси иқтисодий самарадорлиги йиллик эксплуатацион харажатлар билан аниқланди ва

Қибрай тумани «Тошкент сув таиноти» МЧЖ ичимлик сув насос станцияси учун 74244 минг сўмни ташкил этди.

8. Диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари қишлоқ ва сув хўжалигида озон технологиясини қўллаш кўламини кенгайтиради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.12019.Т.10.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ «ТАШКЕНТСКИЙ
ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ
СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА»**

**НАЦИОНАЛЬНЫЙ ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ
«ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И
МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА»**

Бабаев Азиз Галибович

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ОБРАБОТКИ ВОДЫ ОЗОНОМ
МЕТОДОМ ЭЛЕКТРОДИСПЕРГИРОВАНИЯ**

05.05.07. – «Электротехнологии и электрооборудование в сельском хозяйстве»

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ-2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2020.4.PhD/T1976.

Диссертация выполнена в Национальном исследовательском университете «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства».

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета по адресу www.tiame.uz и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:

Музафаров Шавкат Мансурович
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Мухаммадиев Ашираф
доктор технических наук, профессор

Байзаков Тахир Мирзанович
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация:

Ташкентский государственный технический университет имени Ислама Каримова

Защита диссертации состоится «__» _____ 2022 г. в ____ часов на заседании научного совета DSc.03/30.12.12019.T.10.01 при Национальном исследовательском университете «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства» (Адрес: 100000, г.Ташкент, ул. Кары Ниязий, 39. Тел.: (+99871) 237-09-45, факс: (+99871) 237-38-79, e-mail: admin@tiame.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Национального исследовательского университета «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства» (регистрционный номер ____). Адрес: 100000, г. Ташкент, ул. Кары Ниязи, 39. Тел.: (+99871) 237-09-45, факс: (+99871) 237-38-79, e-mail: admin@tiame.uz).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2022 года.
(протокол рассылки №__ от «__» _____ 2022 г).

Б.С. Мирзаев

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней,
д.т.н., профессор

У.Т. Кузиев

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней,
к.т.н., доцент

Х.М. Муратов

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней,
д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире использование энергосберегающих технологий и оборудования для очистки питьевой воды и повышения ее качества, является одним из ведущих направлений. Учитывая, что количество пресной воды в мире составляет всего 2,5% от общего количества воды, внедрение технологий и оборудования, по качественной очистке и обеззараживанию питьевой воды из существующих источников, необходимо для обеспечения населения чистой питьевой водой. В связи с этим важно использовать технологию озонирования воды методом электродиспергирования, который более эффективен, чем другие методы в обеззараживании при улучшении качества питьевой воды.

Во всем мире проводятся исследования по разработке высокоэффективных технологий по улучшению качества питьевой воды и новых научно - технических решений по созданию технических средств. В связи с этим особое внимание уделяется созданию электротехнологических методов и реализующих их устройств, считающихся экологически чистыми и безвредными по отношению к химической очистке подземных и сточных вод. Поэтому, при обеззараживании питьевой воды важно разработать технологию обработки озоном электродиспергированием, а также обосновать ее технологические параметры и режимы работы.

В Республике в процессе обеспечения населения страны качественной питьевой водой, химическая и сорбционная очистка подземных и сточных вод требует больших затрат, производительность ее низкая и требует длительного времени для осаждения частиц после очистки. В некоторых случаях качество очищенной воды не достигает необходимого уровня, принимаются комплексные меры по постепенному обеспечению отрасли питьевой воды современными энергосберегающими технологиями. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистана на 2017-2021 годы определены такие актуальные задачи, как «... улучшение снабжения сельского населения чистой питьевой водой, строительство новых сетей водоснабжения, постепенное введение современных ресурсосберегающих и эффективных технологий»¹. В частности, одним из важных вопросов является модернизация и техническое перевооружение предприятий питьевого водоснабжения, внедрение ресурсосберегающих технологий и разработок в соответствии с современными требованиями, позволяющих улучшить качество питьевой воды.

Данная диссертационная работа в определенной степени служит для реализации задач, поставленных в Постановлениях и других нормативных актах, связанных с этой деятельностью как Указ Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики

¹ Указ Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», от 7 февраля 2017 года № УП-№4947

Узбекистан», от 7 февраля 2017 года № УП-№4947 и Постановлений Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему внедрению современных энергоэффективных и энергосберегающих технологий», от 23 августа 2017 года № ПП-3238.

